

**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларда иншоатларни таъмирлаш ишларини
бажариш бўйича
№ 35 сонли ШАРТНОМА**

2022 йил «18» август

Фурқат тумани

Икки томонлама ҳўжалик муносабатларини ифодаловчи маъкур шартнома Низом асосида иш юритувчи **ASILBEK LOYIXA QURUVCHI X/K** (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари А.Алиев биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Фурқат тумани МТБ номидан (қелгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари Д.Қодирова ўрталарида № 22110012128902 сонли лотга асосан куйидаги маъсадларда тузилди:

1.Шартнома предмети

- 1.1.«Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуқсон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра қуйидаги турдаги жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради:
Фурқат тумани 25 МТТ ёзги айвончасини жорий таъмирлаш
- 1.2. Маъкур шартноманинг умумий киймати 43107511 сўм, қирқ уч миллион бир юз етти минг беш юз (рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилади) сўмни ташкил қилади.
- 1.3.Бажариладиган 25 МТТ ёзги айвончасини жорий таъмирлаш ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдиқланади ва ушбу шартномага илова қилинади.
- 1.4. 25 МТТ ёзги айвончасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати: 10 кун (ўн)

2. Ҳисоб-китоб шартлари.

- 2.1. Бажарилган 25 МТТ ёзги айвончасини жорий таъмирлаш ишлари учун ҳисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси,смет-фактура ва бошқа тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб «Буюртмачи» томонидан қабул қилиниб олингандан сўнг тўлов ҳадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини сметаси еки калькуляция ва баҳолар прејскурсантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган 25 МТТ ёзги айвончасини жорий таъмирлаш ишларида хато ва камчиликлар аниқланса ва белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Иш бажарувчи» ҳисобидан қопланади.
- 2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % миқдорида туловни амалга оширади ҳамда тўлиқ ҳисоб-китобни «Иш бажарувчи» жорий таъмирлаш ишларини бажаргандан сўнг 30 кун ичида амалга оширади.
- 2.3. 25 МТТ ёзги айвончасини жорий таъмирлаш ишларини бажарилиши жаренида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашелар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қийматидан ушбу сарфланган хом-ашелар ва материаллар қиймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан ҳисоб-китоб қилинади.

3.Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

- 3.1. «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва ишлаб чиқариш воситалари билан барча ишларни маъкур шартнома ва иловаларида яъни лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли,техник талабларга жавоб берадиган ҳолатда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
- 3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир қисми еки ҳаммаси сифатсиз бажарилганлиги аниқланиб «Буюртмачи» томонидан тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми«Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қайтадан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун«Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.
- 3.3 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган жорий таъмирлаш ишларини нуқсон далолатномалари (дефект актлари), лойиха-смета хужжатлари ва бошқа тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи» ни таъминлайди.
- 3.4 «Буюртмачи» бажарилган жорий таъмирлаш ишларини шартнома шартлари ва лойиха-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.
- 3.5 Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан давлат харидлари билан боғлиқ тузиладиган шартномаларда мажбурий равишда коррупцияга қарши қўшимча шартлар белгиланди.
Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ердамчи пудратчи ташкилотлар агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя етилмаганда иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади

4. Жарималар қўланилиши

- 4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар(хизматлар) тақдим етилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуқсонларни бартараф етишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган жорий таъмирлаш ишларининг умумий кийматидан 50%, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

4.3 Агар "Буюртмачи" қабул қилиб олинган жорий таъмирлаш ишлари учун шартномада белгиланган муддатларда асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаса, «Буюртмачи» муддати ўтган ҳар бир кун учун тўлови кечиктирилган суммадан 0,4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тўловни суммасини 50% дан ошмаган миқдорда "Иш бажарувчи" пеня тулайди.

4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

5. <Форс-мажор>

5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатларда бузилса (яъни сув тошқини, ёнғин, zilзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

6. Шартнома муддати

6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга кирилади.

6.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил «__31__» декабргача. Маълум сабабларга кўра бажарилган жорий таъмирлаш ишлари учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

6.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан;

б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда ҳужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;

в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;

г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига еки лойиҳа-смета ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган жорий таъмирлаш ишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайтиши еки купайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилингани тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га езма раппида, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади.

7. Қўшимча шартлар

7.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Иқтисодий судлари орқали хал қилинади.

7.2 «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган ҳужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Истеъмолчи»га тақдим этади.

7.3 Шартномани бажарилиши учун тааълуқли ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу ҳужжатларни тақдим этган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли газначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

7.5 Шартномага бarcha ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб **тегишли газначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг** амалга киритилади. Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаганда ҳужжалик суди орқали хал қилинади.

8. Томонларнинг тортиқ манзили ва реквизитлари:

«Иш Бажарувчи»

ASILBEK LOYIHA QURUVCHI X/K

(мол етикалиб берувчининг номи)

Манзил: Дашгара тумани

Тел./факс 99888 500 41 41

х/в 20208000505463703001

Бичик номи:

МФО 00973 СТНР 309068343

ОКОНХ

«Буюртмачи»

Фуркат тумани МТБ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Кичик-яшил шаҳарчаси

Тел./факс

ш/х" 100622860302387091 100251001

бюджетдан маблағ олувчи СТНР: 305153794

ОКОНХ 92400

Газначилик бўлимида номи: Фуркат тумани

бўйича Газначилик бўлимида

ИФХ: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий

банкнинг Тошкент ш. ХККМ

МФО 00014

Газначилик бўлимида СТНР: 200122924

Рахбар

А. Алиев

(Ф.И.О.)



Рахбар

Д. Қолматов

(Ф.И.О.)



М.Ҳ.

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RSIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyi haning turi: shartnoma.

2. Loyi haning nomi:

Byudjetdan mablag' oluvchi muassasalarda inshootlarni ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha

3. Loyiha ishlab chiqilgan va kiritilgan sana: 2022 yil 12 avgust kuni ishlab chiqilgan va Furqat tumani Yuridik xizmat ko'rsatish Markaziga taqdim qilingan.

4. Loyiha bo'yicha taklif va (yoki) e'tirozlar:

Furqat tumani MTB bilan ASILBEK LOYIXA QURUVCHI xususiy korxonsi o'rtasida Furqat tuman 25 MTT yozgi ayvonchasini joriy ta'mirlash bo'yicha ishlab chiqilgan shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi o'rganib chiqildi.

Shartnoma loyihasini o'rganish jarayonida O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, hamda "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni va boshqa qonun hujjatlari talablari asosida ishlab chiqilganligi ma'lum bo'ldi.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

XULOSA:

Furqat tuman MTB tomonidan 2022 yilning 12 avgust kuni 25 MTT yozgi ayvonchasini joriy ta'mirlash bo'yicha ishlab chiqilgan shartnoma huquqiy ekspertizadan o'tkazildi, yuqoridagilarga asosan mazkur shartnoma loyixalarini tuzish amaldagi qonunchilikka

**Furqat tuman Yuridik xizmat
ko'rsatish boshlig'i boshlig'i**



A.Nurmatov



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ASILBEK LOYIHA QURUVCHI" Xususiy korxona

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ASILBEK LOYIHA QURUVCHI" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

24.11.2021

1066332

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining Identifikatsiya raqami (STIR):

309068343

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Xususiy korxona

Joylashgan joyi:

Farg'ona viloyati, Dang'ara tumani, Dang'ara shaharchasi,

Guvohnoma:

Farg'ona viloyati, Dang'ara tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



ТАСДИҚЛАЙМАН"

Фуркат тумани МТБ мудираси



Д.Қодирова

" 18" август 2022 йил

Фуркат тумани Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги Фуркат туман 25 МТТ ёзги айвонча сани жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 2022 йил бюджетдан (ШХР 100022860302387091100251001) ажратилаётган маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш мақсадида танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясining йиғилиши

БАЁНИ № 16

Қатнашдилар:

Комиссия раиси Ю.Аликулов Фуркат тумани МТБ камунал хизматлар бўйича муххасен
Комиссия аъзолари --- М. Сотволдиева МТБ бош хисобчиси

А.Тургунов Фуркат тумани МТБ мухандиси,

Д.Муротова Фуркат тумани МТБ хисобчиси

Г.Хошимова давлат харидлари ва шартномалар бўйича хисобчи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ -684 сонли "Давлат харидлари нўҳиссидаги" ги қонунига мувофиқ 28 июль 2022 йил куни энг яхши таклифларни танлашга жойлаштирилган лот № 128902 рақами Фуркат тумани МТБ тасарруфидаги Фуркат туман 25 МТТ ёзги айвонча сани жорий таъмирлаш ишларини бажариб бериш учун товар хом ашё биржасининг махсус ахборот порталига 28.07.2022 йилдан 04.08.2022 йил кунигача 5 иш кунига эълон жойлаштирилган.

Ушбу эълон бўйича 04.08.2022 йилгача 3 нафар қурилиш соҳасига ихтисослашган корхоналардан таклифлар келиб тушди.Жумладан:

ASILBEK LOYIHA QURUVCHI XK

ME'MOR PARDOZ XK

VODIY YORITISH VA IJHOZLASH MCHI

Таклифлар бўйича комиссия аъзолари ўрганиб чиқиб 05.08.2022 йил куни баҳодланган ва 2 иш куни мобайнида муҳокамага қўйилган.18.08.2022 йил кунигача 2 иш куни мобайнида эътирозлар келиб тушмади. 18.08.2022 йил куни МТБ тасарруфидаги Фуркат туман 25 МТТ ёзги айвонча сани жорий таъмирлаш ишлари бўйича голиб деб ASILBEK LOYIHA QURUVCHI XK билан шартнома имзоланишига келишилди

МТБ Комиссия раиси :

Фуркат тумани МТБ мухандиси:

Фуркат тумани МТБ бош хисобчиси:

Фуркат тумани МТБ хисобчиси

МТБ Давлат харидлари ва шартномалар бўйича хисобчи

Ю.Аликулов

А.Тургунов

М.Сотволдиева

Д. Муротова

Г.Хошимова